



# INTELLEKT



2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

ИЖТИМОЙ-ТАЪЛИМИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 31-iyul № 14(22) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

## РЕКЛАМА САФСАТАСИ

### Ёхуд мукамал ишланмаган қонун лойиҳаси

Бир тарафдан очкилик ва сўз эркинлиги, иккинчи тарафдан қатъий тартиб ва назорат, бу - тушунчалар ажралмас бирлик, танганинг икки томонидир. Афсуски, ахборот соҳаси қонунчилиги ва амалиётида бу бирлиكنинг мазмун-моҳиятини етарлича англаб етганимиз йўқ.

Ахборот соҳасида юзага келган ноҳуш, бетартиб, стихияли, анархия ҳолати ҳақида ёзган эдик. Мақоламиздаги қайдлар тўлалигича ахборот соҳасининг муҳим жабҳаси бўлмиш реклама фаолиятига ҳам тааллуқлидир. ОАВнинг кўпчилиги реклама ҳисобидан кун кўради. Реклама уларнинг "нони, даромади, тирикчилиги". Шунинг учун ҳам реклама фаолияти назоратини кучайтиришга қаратилган "Реклама тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси ОАВ вакиллари, оддий қилиб айтганда, ёқмади ва уларнинг кескин танқидига учради.

Бу мақолалар муаллифлари лойиҳага муносабатини "мантисизлик", "нонсенс", "зарба", "кишан", "бўйнига арқон" (тадбиркорларга нисбатан) иборалари билан ифодалаган. Ҳақиқатан ҳам, ваколатли давлат органи ишлаб чиққан ва депутатларимиз биринчи ўқишда қабул қилган лойиҳанинг камчиликлари шу даражадами? Саволга жавоб бериш учун реклама бозорининг ҳозирги ҳолатига бир назар соласак.

Биринчидан, амалиётда реклама қилинаётган товар ва хизматлар орасида улуши бўйича дори воситалари, тиббий хизматлар, биологик фаол қўшимчалар, шубҳасиз, биринчи ўринда туради. Бу факт мамлакатимизда амалга оширилган ётган ислохотлар ҳали тўлиқ охирига етказилмаганига боис реал иқтисодиётда тадбиркорлик учун етарлича қулай шароитлар яратилмаганидан далолат беради. Реал ишлаб чиқаришда шароит



етарли бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлар ўзларини пул топишининг нисбатан осонроқ соҳасига урадилар... Бундай соҳа бугунги кунда соғлиқни сақлаш – дори сотиш, хусусий тиббий хизматлар бўлиб чиқади, чунки одамлар нима бўлганда ҳам соғлиги учун пулни аямайдилар-да...

Рекламаларда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ товар-хизматларнинг устуңлиги реклама бозорининг носогломлигидан далолат беради. Аслида тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳар бир беморга унинг организми ва руҳий ҳолати махсус билимга эга масъулиятли мутахассис – врач томонидан диққат билан ўрганилгандан кейин тавсия этилиши лозим. Бундан дори ва тиббий хизматлар рекламаси умуман ман-

тиққа зидлиги келиб чиқади. Фикримизча, маърифатли, цивилизацияга бўйсунган бозор иқтисодиётининг қулай бизнес муҳитида дори ва тиббий хизматлар рекламаси умуман тақиқланиши лозим.

Иккинчидан, рекламада болалар образларидан фаол ва бетартиб фойдаланилган. Ширинликлар, шарбатлар, ҳатто дори воситалари рекламасига кўп ҳолларда вояга етмаган ўғил-қизлар жалб этилмоқда. Фикримизча, болалар образидан фақат ижтимоий рекламаларда – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, билим олиш, китоб ўқишга қизиқтиришда фойдаланиш мақсадига мувофиқдир.

Учинчидан, рекламаларда гайритабiiий жараён, ҳолат, образлардан кенг фойдаланилмоқда. Бир неча

йил олдин "Тримол" дорисининг рекламасида одам боши эзилб-яллаб қолишини кўрсатди... Инсон руҳиятига, айниқса, болалар психикасига салбий таъсир кўрсатадиган бунга ўхшаш сюжетларни ҳали ҳам томоша қилиб келяпмиз. Рекламачилар истеъмолчиларда муайян товар ва хизматларга қизиқишни орттириш мақсадида шахвоний ҳисни уйғотувчи тасвирларни саҳнага олиб чиқишдан ҳам тап тормаётган ҳолатлар кўп учрайди.

Янги қонун лойиҳаси реклама бозорининг айна шундай муаммо ва камчиликларини бартараф этишга қаратилган. Шу ўринда лойиҳа янгиликларини "чекловчи қоидалар" сифатида эмас, балки "тартибга солувчи нормалар" сифатида баҳолаш лозим. "Мантисизлик", "нонсенс" ибораларини эса айна танқидий мақолаларнинг мазмунига нисбатан ишлатса, тўғри бўлади. Масалан, уларнинг бирида "реклама соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар жорий этилаётгани... ҳуқуқ тизимимиз учун нонсенс" дейилган. Қизиқ, муаллифлар ҳуқуқ тизимимизнинг қаерида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланмаслигини кўришибди?.. Қонун бўлади-ю, уни бузганлик учун жавобгарлик бўлмаслиги керакми? Тўғри, молиявий санкциялар миқдори – мунозарали масала, лекин, ҳар бир қонунбузилиши юзасидан жазо (қатъийи-юмшоқми, катта-кичикми – бу иккинчи масала) муқаррар бўлиши керак-ку?!

(Давоми 2-бетда) >>

Шу кунларда бутун Ўзбекистон ахли мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш учун қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Зеро, бу айём халқимизнинг хур ва овоз яшаши, бахтли ҳаёти, фаровон турмушига асос бўлувчи энг муҳим сана сифатида тарих зарварларига битилган.

## "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!"



Ўтмишда аждодларимиз мана шу хур ва овоз кунларга етишиш учун жон олиб, жон бериб курашганлар. Минг шукрона билан айтишимиз мумкинки, бугун аждодларимизнинг эзгу ниятлари, орзулари ижобат бўлди. Айни кунларда энг улуғ, энг азиз байрамимизни бутун республикамиз ахли қатори тумандошларимиз ҳам эзгу ниятлар, кўтаринки кайфият билан қарши олишяпти. "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" ширин остида байрам олдида зиёратгоҳ ва қабристонларда, кўча ва хиёбонларда хашарлар уюштирилиб, ободонлаштириш ишлари қизгин тус олган.

Шуниси қувонарлики, бугун замон билан ҳамнафас тарзда мамлакатимиз ҳаётининг барча бўлақларида барқарор ўсишга эришилаётгани, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик асосида дунё халқлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилиб, тараққиёт пилаларидан дадил одимлаётганимиз юртимиз истиқболининг нақадар порлоқ эканлигини кўрсатиб

турибди. Янги Ўзбекистон учинчи ренессанс даврига қадам қўймоқда.

Ўтган 30 йил ичида юртимизда бўлган қобилиятимизда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Туманимизда янги аҳоли турар-жой бинолари, умумий ўрта таълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, спорт ҳамда машиий хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилди. Жумладан, Обод маҳалла дастури доирасида автомобил йўллари ва маҳаллаларнинг ички йўллари замонавий йўлсозлик талаблари асосида мукамал таъмирланди. Ҳа, бугун диёримизнинг қай бир гўшасига борманг, серфайз хонадонлар, озода кўчаларни кўриб, кўзингиз қувнади. Маҳаллаларда намунали турар-жой бинолари қад ростляпти. Ичимлик суви тармоқлари қурилиб, мавжудларини таъмирлаш ишлари жадал олиб бориляпти. Буларнинг барчаси оқсак бунёдкорлик ва яратувчанлик шижоати билан яшаётган аҳолиимизни янада обод ва фаровон ҳаёт барпо этишга ундаётганини кўрсатиб турибди.

Қадрли юртдошлар! Истардимки, истиқлол нашидаси, байрам сурури ҳар бирингизни яхши ниятлар, эзгуликлар сари ундайверсин. Доимо хонадонингиздан кўт-барак, қалбингиздан қувонч, юзингиздан табассум аримасин. Халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларнигизда зафарлар тилайман.

**Воҳид ХОЛМИРЗАЕВ,**  
Пайарик туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

## СПОРТЧИ ЁШЛАР ЮТУФИ

Спорт - инсон саломатлигининг муҳим мезони саналади. Чунончи, юртимизда спорт орқали ҳаётда ўз бахтини топган ва топаётган оилалар жуда кўп. Зеро, спорт, жисмоний ва маънавий камолот сингари муштарак тушунчаларни қундалиқ ҳаётининг бош мақсадида айлантирган оилалардаги спортга ошноликни, уларнинг бахтли ва соғлом ҳаётини кўриб ҳавас қилсан киши.

Айниқса, юртимиз ёшларининг спорт соҳасида кўлга киритаётган ютуқлари кишининг ҳавасини уйғотади. Бу юртимизда спортга, ёшларга қаратилган юксак эътиборнинг амалий натижасидир.

Ҳа, спортга меҳр кўйган ҳар бир инсон ҳаётининг мазмунли бўлишига интилади. Қийинчиликларни, олдиндаги тўсиқларни матонат билан енгил, мақсади, марраси сари дадил одимлайверади. Спортчиларга хос курашувчан фазилатларга эга Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани Қозоқнайман маҳалласидаги Шерзод Маҳмудов ва унинг фарзандларига нисбатан ҳам шундай таърифни қўллаш мумкин.

5 нафар фарзанднинг отаси Шерзод Маҳмудов фарзандлари учун мураббий. У ўғиллари Алимардон ва Али-

шерни қишқи олимпиада спорт тури ҳисобланган - "шорт трек" билан шугулланишида асосий устоз ҳисобланади. 5 йил давомида Россия Федерациясининг Клин шаҳрида машғулотларни қанда қилмай келаётган ёш спортчилар босқичма-босқич галабаларни кўлга киритмоқда. Шу билан бир қаторда улар бир қанча мусобақаларда ҳам омадини синаб кўришмоқда.

Алимардон ва Алишер худудий мусобақаларнинг деярли ҳар биттасида совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Шу боис кубок, диплом ва медалларнинг саногий йўқ. Улар йил якунида совринларни ҳисоб-китоб қилади. Юқорида тилга олинган ютуқларнинг барчасининг ортида машаққатли меҳнат, тинимсиз машғулотлар ётибди.

Спорт болаларнинг бўш

вақтини мазмунли ўтказишга, соғлом ўсиб, вояга етиши учун энг яхши воситадир. Шу боис Шерзод Маҳмудов ҳам фарзандларини спортга тартиб-интизомга ўргатган. Улар учун ўзига хос кун тартиби шакллантирилган. Ёш спортчиларнинг бўш вақти йўқ. Бундан ташқари, мактабда аъло ўқишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Акс ҳолда, конкидаги машғулотларга рухсат этилмайди.

«Иш курулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар», деганларидек, ҳар доим машғулотлар олдидан конкин яхшилаб тайёрлаб олиш лозим. Шунда машғулотлар кўнгулдагидек ўтади.

Айни пайтда Алимардон ва Алишер отаси Шерзод Маҳмудов кўл остида Самарқанддаги "Айс Арена" муз саройида ҳар куни машғулотлар олиб

боришмоқда. Улар "шорт-трек"нинг ўзига хос элементлари орқали маҳоратини ошириш, тезликка эътибор қилиш, ўтган мусобақалардаги хатокамчиликни тўғрилашга эътибор қаратишмоқда. Чунки, кунда яна нуфузли чемпионат ўйинларига старт берилади.

Шерзод Маҳмудов фарзандлари билан биргаликда энг олий мақсад, яъни қишқи олимпиада чемпионлигига интиломоқда. Серкўёў Ўзбекистондан, хусусан, Паст Дарғомдан ёш олимпиада чемпионлари этишиб чиқишига ишонамиз.

Чиндан ҳам, бугун мамлакатимизда жисмоний саломатликни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзи, спорт билан мунтазам шугулланиш бу — ҳар қандай касалликлар профилактикаси ва саломатлик ҳамда куч-қувват гаровидир.

Ваҳобжон АВАЗОВ.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Жумладан, Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида 156 та мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлиб, шундан 43 таси давлат, 4 таси давлат-хусусий шерикчилик, 2 та хусусий, 107 та оилавий нодавлат МТТ ларини ташкил этади.

Шубҳасиз, таълим-тарбия жараёнида малакали, билимли педагогларнинг ўрни беқиёс. Самарқанд вилояти Той-

нинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 11 173 нафар боланинг мактабгача таълимга қамрови 63.05 фоизга етказилиб, таълим-тарбия сифати ва моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Туманда сўнгги йилларда мактабгача таълим ташкилотларига болалар қамровини

ва уни кузатиши мумкин. Жойлардаги мактабгача таълим ташкилотларида боғча, оила, маҳалла ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда кузатув кенгашлари фаолиятини ривожлантириш, ота-оналар иштирокида "Очиқ эшиклар" кунини ўтказиш ҳам самарали натижа бериб келаётир.

Мактабгача таълим ташкилотларида ўқув-тарбия ва услубий ишларнинг сифатини ҳамда педагогларнинг билим даражасини, малакасини ошириш, таълим бериш жараёнини яхшилаш, янги педагогик технологияларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларни ўрганиш ҳамда омалаштириш мақсадида услубий бирлашмалар асосий вазифалар бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2021 йил давомида олий маълумотли кадрларнинг сонини ошириб таълим сифати ва самодорлигига эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил якунига қадар болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 81.2 фоизга кўтаришни режалаштирганмиз.

Албатта, соғлом авлодни шакллантириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шундай экан, биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

**Кодиркул МАМАНОВ,**  
Тайлоқ туман МТБ мудири  
вазифасини бажарувчи.



лоқ туманидаги мактабгача таълим ташкилотларида жами 688 нафар педагог фаолият юритиб келмоқда. Шундан 199 нафари олий маълумотли, 21 нафари тугалланмаган олий маълумотли, 468 нафар ўртамаксус маълумотли педагог кадрларни ташкил этади. Бундан ташқари, МТТ ларда 591 нафар тарбиячилар ҳам фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етуқ қилиб вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишда мактабгача таълим-

ошириш мақсадида 2 та мактабгача таълим ташкилоти мукамал таъмирланди ва 13 та мактабгача таълим ташкилоти қайта реконструкция қилинди.

Мактабгача таълим ташкилотларида кадрларнинг салоҳияти бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Бугунги боғча тарбиячилари кечаги тарбиячилар эмас. Раҳбар, энг аввало, масъулиятли, ташкилотчи, адолатли, фидойи ҳамда ўз касбининг муҳир устаси бўлиши зарур.

Яратилган шароитдан самарали фойдалана олган раҳбарлар фаолият юритаётган масканларида ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларда юқори натижаларга эришиши

## ИШОНЧНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Бу ҳақда ишончнома матнида қайд этиб қўйилади. Жисмоний ва юридик шахслар ишончнома бўйича вакил бўлиши мумкин.

Нотариус томонидан тегишли маълумотларга аниқлик киритилгандан сўнг, идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар



олинади. Бунда, текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда махсус QR-кодага эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади.

Ишончнома бир ёки бир нечта вакилга берилиши мумкин. Агар ишончнома бир нечта вакилга берилса, уларнинг ҳар бири ишончномада кўрсатилган ваколатларни

биргаликда амалга ошириши ёки алоҳида-алоҳида бажариши ҳақида ишончноманинг матнида кўрсатилади.

Бундай ҳолатда, нотариус ишончнома бўйича ҳар бир вакилга берилган ваколатлар доирасини аниқлайди ва битимни тасдиқлайди.

Агар ишончнома бўйича вакиллик қилувчи юридик шахс бўлса, ишончнома матнида юридик шахсининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли ёзилади. Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ишончнома бериш орқали ўтказишига йўл қўйилмайди.

(Давоми 2-бетда) >>

«(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Муаллифлар, таркибиди шакар, туз ва ёғ миқдори юқори махсулотлар рекламиси борасидаги чекловларни, бундай махсулотлар рўйхати

носабати билан қонунга ҳадеганда ўзгартириш киритилвермайди-ку!

Мақолалар муаллифлари Қонун лойиҳаси нормалари татбиқ этилиши билан боғлиқ нохуш вазиятни тасвирлаш-

лама қанчалик муҳим бўлмасин, барибир у реал иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга нисбатан усткурма вазифасини бажаради ҳолос. Айтишадик, яхши махсулот рекламага муҳтож эмас.

Камчиликларига қарамасдан, лойиҳани баҳолашда мақолалар муаллифлари ёзганидек "тор доирадаги муайян шахслар ёки гуруҳлар манфаатларига қаратилган қатъий нормалар жорий этилаёт-

# РЕКЛАМА САФСАТАСИ

## Ёхуд мукамал ишланмаган қонун лойиҳаси

ҳали тузилмаганлигини рўқач қилиб, соғлиқни сақлаш тизими зарарли-зарарсиз моддаларни таснифлашга, ваколатли органларнинг моддий-техник базаси тайёрлигига, тегишли лабораториялар мавжудлиги шубҳа билдириб, "ўз товарларини реклама қилиш ниятида бўлган соҳа вакиллари фаолиятига берилган зарба" деб баҳолаганлар.



ган: бу қаттиқ буралиш "ортдан занжир реакцияси ишга тушади - реклама берувчи ёки... тарқатувчи жазога тортилгудек бўлса... Бу савдосотик ҳажминини туширади. Савдо бўлмаган жойда - тушум ҳам бўлмайди... давлат ҳазинаси солиқ тўловларидан мосуво бўлади. Ходимлар иш ўрни ва даромадидан айриллади... камбағаллик авж олади... давлатнинг... ўсиш суръатларини ортга тортаверади".

Бу ерда реклама тарқатувчилар манфаатлари барча тadbиркорлик субъектлари манфаатлари билан чалкаштирилган. Бозор иқтисодиётида рек-

Лойиҳа нормалари ишлаб чиқарувчиларни инсон саломатлигига ва чўнтагига зарар келтирмайдиган махсулот яратишга ундаб, мос равишда реклама фаолиятига талабларни қатъийлаштиради.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси мукамал ишлаб чиқилган, дейишдан йироқмиш, у янада такомиллаштирилиши керак. Хусусан, реклама ҳужуқбузарликлари юзасидан жавобгарлик чораларини ҳужуқбузарликнинг ижтимоий ҳавфи ва зарарлилик даражасига қараб табақалаштириш - базавий ҳисоблаш миқдорининг аниқ ҳажмида, масалан, 30 бараваридан эмас, балки 10 бараваридан 30 бараварига қилиб белгилаш мумкин ва ҳ.к.

Бундан ташқари, энергетик ичимликларни реклама си тақиқланган товарлар гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

гани ортидан давлат ва жамиятнинг умумий манфаатларига кўпроқ зиён етмоқда" дейиш мутлақо ноўриндир. Аксинча, қонун лойиҳаси инсон саломатлиги, маънавияти, бутун жамиятимиз ва давлатимиз манфаатларини кўзлагани ҳолда реклама фаолиятини маърифатли бизнес талабларига мос равишда тартибга солишга қаратилган, дейиш ўринлидир.

Лойиҳа кескин танқид қилинган мақолаларда эса ахборот соҳаси қонунчилигидаги бўшлиқлар ва қонун нормалари бажарилмаётгани назорати сустиглидан фойдаланиб, керакли ахборот билан бирга инсон саломатлигига, руҳиятига, маънавиятига фойдаси шубҳали бўлган ахборотни тақдим этиб даромад топаётган тadbиркорлик субъектларининг муайян тор доираси - реклама тарқатувчиларнинг манфаатларига ифодаланган.

Фарҳод ҚУРБОНБОВ, иқтисод фанлари номзоди.

# ИШОНЧНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

«(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ҳамда фирмалар ваколатхоналарига ҳамда уларнинг ходимларига, оила аъзоларига тегишли "CMD", "D", "UN", "T", "X", "M" сериядаги давлат рақамларига эга бўлган автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини нотариал тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автомобилотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар бериш улар божхона органларида расмийлаштирилган ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилганда кейин қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Нотариус кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончнома тасдиқлашда ишончнома матнида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23 ва 24-моддалари мазмуни тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатиб ўтиши лозим.

йўли билан берилган ишончноманинг амал қилиш муддати асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Асосий ишончнома билан берилган барча ваколатларни бошқа шахсга ишониб топшириш тартибидан берилган ишончнома тасдиқланганда асосий ишончнома нотариал идорада олиб қолиниди ва мазкур ишончнома бўйича ваколатлар бошқа шахсга берилганлиги ҳақида ёзиб қўйилади.

Асосий ишончнома билан берилган айрим ваколатларни бошқа шахсга ишониб топшириш ҳақида ишончнома тасдиқланганда эса асосий ишончномага қандай ваколатлар бошқа шахсга ишониб топширилганлиги ҳақида белги қўйилиб, ундан нусха олинади.

Ушбу Регламентда келтирилган тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилганидан сўнг нотариус, нотариус ёрдамчиси, стажёри ёки нотариал идора котиби томонидан ишончнома лойиҳаси тайёрланади.

Ишончнома лойиҳаси жисмоний ёки юридик шахслар томонидан мустақил тайёрланган ва нотариусга тақдим этилган ҳолларда эса нотариус ишончнома лойиҳасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим қилинган ишончномаларнинг лойиҳалари ёки нотариал идорада тузилган ишончномаларнинг лойиҳалари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

СТИР) кўрсатилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган манзили тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилиши, нотариал харақатларни амалга оширишда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги, ишончли вақилга берилган ваколатлар доираси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141 ва 142-моддалари тушунтирилганлиги кўрсатилиши керак.

Ишончномани расмийлаштиришда Тизимга қўйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда - ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

— Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга эга бўлган фуқаролари;

— Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

— 16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг тузилганлиги ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт. Мазкур талаблар қонун ҳужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномаси ва доимий рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Жасур ДАВРОНОВ, Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус стажёри.

# ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бугунги ривожланиб бораётган мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор жуда юқори даражада, зеро, Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида. Шу жумладан, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз иқдоий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган шахслар бўлиб вояга етишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда.

Айнан таълим соҳасидаги юксак марраларни забт этиш учун ўқитувчилар юқори даражали малакага эга бўлишлари ва касбларига маъсулият билан ёндашишлари зарур. Яъни кучли педагогик маҳоратга эга бўлишлари керак.

Айнан шу мавзунини ёритар эканмиз, кўйидаги савол юзга келади: Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Ўқитувчилар педагогик маҳоратга эга бўлишлари учун нималарни билишлари керак? Бугунги замон педагогикаси "педагогик маҳоратни" турлича изоҳлайди. Педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни кўйидагидек тасвирлашимиз мумкин: "Ўз касбининг моҳир устаси, юксак маданиятли, ўз фанини чуқур билдирган, ёндош фанлар ҳамда соҳаларни яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услуби-

ятини мукамал эгаллаган мутахассис". Педагогик маҳорат ўқитувчилар ва тарбиячиларга педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячиларнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёнда ҳулқ-атворини ва ҳиссийётни жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб борувчи педагогик фаолиятлар тизими тўғрисида маълумотлар беради. Педагогик маҳорат ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти замирида такомиллашиб боради. Ўқитувчи таълим жараёнида ўқитиш шакллари оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни

пухта билиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўқитувчилар жамиятимизнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Чунки ҳар қандай ҳавас қилишга арзийдиган, юксак марраларни забт этган инсонларнинг ортида ҳам ўқитувчилар, устозлар туради. Айнан уларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига шоғирдлар улкан ютуқларга эришади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби ҳамда камолотининг меъморини. Шундай экан, малакали педагоглар, ўз касбининг усталари кўпайиши, ёрқин келажақ учун қўйилган муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Гулсанам БОТИРОВА, СамДҶТИ Роман-герман тиллари факультети 1-босқич талабаси.

Тушлик маҳали бир кафега кириб, таомга буюртма бердим. Буюртмам келгунча атрофга бир назар ташладим. Ўттиз-қирқтача эркак-аёл, ёш-яланглр иккитарттадан бўлиб ўтиришибди.

# СУҲБАТДОШИНИ УНУТГАНЛАР



Мени ҳайрон қолдиргани уларнинг ҳеч бири ўзро суҳбатлашмас, барчаси телефони билан оввора эди. Бир нечтасига телефонда гаплар, қолгани интернет оламига шўнғиган эди.

Улар ёнидагиларни унутган эдилар. Тўғри, ахборот олами, интернет керак, лекин ҳар доим ҳам шундай бўлиши мумкинми?! Жамомиз. Агар ахборот олиш учун, оғоҳлик учун фойдаланаётган бўлсангиз, сизга катта раҳматлар айтмайми. Лекин мен кўрганлар оғоҳлик учун интернетда ўтирмаганлиги аниқ эди. Аксарияти эрмак учун ўтирибди, десама янглишмайман.

Вақтни беҳуда сарфлаш, ўтказиш яхшиликка хизмат қилмаслиги тайин. Мен улар-

нинг вақтига ачинаётганганимни айтмоқчи эмасман, олтинга тенг фурсатларни қандай сарфлаш ҳар кимнинг

ат транспорти, бекатлар ёки бошқа жойларда телефони га термулаётганларни сиз ҳам кўп кузатгансиз.

Хазрат Навоий "Агар оғоҳсен — шоҳсан сен", — деганларида нақадар ҳақликларини биласиз.

Қаттиқроқ гапирган бўлсам, узр сўрайман, суҳбатдошингизни, яқинларингизни унутманг, азизлар!

Дилнура СУВОНОВА, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқитувчиси.

# ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН


"Ёнгин ва сув балосидан ўзи асрасин" деган доноларнинг нақли бор, бундай офатларга ўз вақтида эътибор қаратилса, кейинчалик пушаймонга асос қолмайди. Лекин ўзингизга маълумки, бу пушаймонлик душманликдан бошқа нарса эмас.

Ёнгиннинг нохуш оқибатлари ҳақида гапирганда кўз олдимизга куйиб кулга айланган бинолар, касалхонада куйиш тан жароҳати олиб, азобларга қолган кишилар келади.

Ёнгин қайерда бўлмасин ўзининг мудҳиш натижаларини қолдиради. Қанчадан қанча одамлар бошпанасиз қолганлиги, саломатликларини йўқотганлиги ва айрим ҳолларда эса киши ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлиши ҳеч биримизга сир эмас, шунинг учун ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилишингизни яна бир бор эслатиб ўтишни бурчимиз деб биламиз ва куйидаги ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилишингизни сўраймиз.

— электр ускуналари доимо назорат қилинг, очиқ ва вақтинчалик электр симла-

ридан фойдаланманг; — электр ҳисоблагичларда ясама сақлагичлар ишлатманг; — хоналарда ёш б о л а л р ҳамда қарияларни қаровсиз қолдирманг; — кўриқдан ўтманг ва махсус тамғаси бўлмаган маший газ баллондан фойдаланманг.



Таштемир ШАКАРОВ, Қўшработ туман ФВБ бошлиғи ўринбосари.

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА СОҲАДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



кўмак бериш каби вазифаларни амалга оширади. 2021-22-ўқув йилида хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 207 та мактаб ташкил этилади ва бу орқали чет тилларини янада мукамал ўқитиш соҳада фаолият юритаётган кадрларнинг малакасини оширишга замин яратилади. Давлат бюджетидан вилоятларимиз ва пойтахтимиз мактаблари учун 50 миллион сўмгача бир марталиқ субсидия маблағлари ажратилади;

Бундан ташқари, таълим муассасасининг хорижий тил ўқитувчилари энг камида С1 (чет тилини билиш бўйича миллий сертификат А1, А2, Б1, Б2, С1, С2 шаклида баҳоланади) ёки шунга тенг бўлган халқаро сертификатга эга ўқитувчиларга ойлик маошларига ойликларининг 50% гача устама ҳақлари тўлаб берилади. Олий таълим муассасаларидан кейинги босқичда фаолият юритишга доир ҳам бир қанча ўзгаришлар киритилди: унга қўра, энди филология йўналишларидан С1 даражадаги тил билиш сертификати керак бўлади, шунингдек, қарорда давлат органлари ходимлари ҳам ишга жойлаштирилганда инглиз тилини билишлари талаб этилади ва тил билиш сертификатларига эга ходимларга 20% гача қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан хорижий тилларни ўрганиш бўйича шу каби тегишли вазифалар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда, янгича ўрганиш истиқболларини ошириш ва соҳада юқори натижаларга эришаётган жонкуяр, ўз касбининг фидойиларини муносиб рағбатлантириш, ёшларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш ва замон талабларига мос малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда мавжуд малакали хорижий тил институти таҳсил олувчиларини етарлича маблағ, шарт-шароит билан таъминлаш мақсадига амалга оширилмоқда ва бундай ижобий ўзгаришлар, албатта, ўзининг самарасини беражақ.

Назокат РУСТАМОВА, СамДҶТИ Инглиз тили — II факультети 3-босқич талабаси.

# ЎЗИНГИЗ ВА АТРОФДАГИЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ!

ний конфессияларга мансуб ташкилотларда ҳам жорий этилади.

Бундан ташқари, коронавирус инфекциясига қарши ихтиёрий равишда эмланган тўлов контракт асосида ўқийдиган талабаларга ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, барча олий таълим муассасаларида 2021-2022 ўқув йили учун базавий тўлов контрактнинг 10 фоизи миқдоридан бир марталиқ чегирма бонуси берилади.

Амалга оширилган тadbирлардан яна бири бу мана шундай синовли кунларда юртдошларимиз ҳаётини сақлаб қолиш, уларнинг хасталигига шифо топиб, оиласи бағрига соғ-саломат қайтариш йўлида кун-у тун машаққатли меҳнат қилаётган тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловлари миқдори белгиланганлигидир.

Хукуматимиз томонидан жорий этилаётган юқоридаги сингари тартиб-қоидаларнинг барчасидан кўзланган мақсад бир, у ҳам бўлса, сиз-у бизнинг саломатлигимизни ва бу билан бутун жамиятимизни асраш. Шундай экан, мазкур қоидаларга риоя қилган ҳолда, бу машъум касалликнинг юртимиздан ва бутун дунёдан тез фурсатларда чекиншидан ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Муниса НИЗОМОВА.

(Давоми. Бошлангиши олддаги сонларда)

## CHAPTER XII

Violets in the garden bathed in the glow of spring. Wind from the Hindu Kush Mountains sailing through the cypress grove brought coolness to Herat garden. Navoiy walked in the garden. He was a little tired. Like every day, today he had to listen to a lot of people seeking his help and advice.

The poet walked slowly on a motley track on which the play of light and shadows created intricate patterns. Coming out on the lawn, he sat down on the carpet covered with a silk flower garden in front of the supa. Gold mugs reflected sunlight between the trees, playing on the carpet. Petals of apple and pear trees just like snowflakes lazily fell to the ground on the carpet and silk robe of the poet. Peacocks strutted proudly, spreading their tails like fans.

Sahib Daro, a modest, humble and highly educated man, appeared with an armful of books. He carefully put before Navoiy books rewritten by the best scribes of Herat. The poet knew the contents of these books and now was interested in their appearance. Praising the strength and beauty of colorful leather bindings, he slowly leafed through the book, admiring the gold frame and carefully executed drawings: each page he caressed by a look like a living flower. Some books were decorated with a magic thumblail of Bekhzad.

A young man approached the garden path. It was the son of the late brother of Navoiy, so he treated him as his son. Luxuriously, but casually dressed, with languid, restless eyes. Haydar, as always respectful, but without further ado, said hello to the poet and began to quickly browse through the books.

— What can you say about these books? — Navoiy asked with a smile.

Haydar collected the books and handed them to Sahib Daro, thinking a little, he replied: — Bekhzad is able to revive it. But in the scribes who wrote these books, there is something lacking. When in Meshed Ali Sultan, the Sultan's calligrapher, returning? These days in Herat talks about his art are going on.

Sahib Daro noticed that such scribes as Sultan Ali were in Herat. Not wanting to argue with Haydar, he took the book under his arm and left. Navoiy said that Sultan Ali was a part of Herat. Then he asked about Haydar's classes and advised him to deepen his knowledge in the field of music. Haydar read his new ghazal. A funny love poem like Navoiy's; however, he pointed out that the poet need deep

knowledge and to have it you need to read a lot. Haydar unexpectedly admitted his dreams of becoming a warrior. Considering that this is a consequence of the desire of impermanence of boys, Navoiy frowned and said nothing. But Haydar began to assert that his heart longed for military affairs.

— Our ancestors, — he spoke with passion, — were able to perfectly combine poetry and music with a sword and a bow. I have chosen the same path. Is it impossible to combine?

— Why not, — Navoiy replied, staring at his nephew. — Battlefields adorn boys. Is there a higher virtue for a young man than courage and heroism? For all the work, for all the craft you must be taken with a pure heart and a sincere desire. If you feel in your heart love for a martial

## Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

# NAVOIY

case, be a warrior - I will just congratulate you.

Haydar was delighted and spoke passionately about the daring exploits of warriors. A few servants appeared. The young man, realizing that he interfered with Navoiy's work, interrupted the conversation and said goodbye and disappeared in the depths of the large garden.

Those who came were stewards Navoiy inherited after his father's death. The poet questioned them for a long in detail about their plowing, sowing, the life of farmers and bazaar prices. He expressed the desire to give some remaining grain from the last year to the army and the other part to donate to the poor and quickly arranged these orders.

In the afternoon Alisher's guests arrived. They were the usual interlocutors of Navoiy. Alone, they miraculously combined the talents of scientist, poet and musician; others were representatives of some areas of art.

An interesting conversation struck up. The famous surgeon Sheikh Husayn told about a successful operation: he was able to bring up the palace fighter, who was struck by eighteen wounds from his opponent.

The poet Hilali read new ghazal. After listening to him attentively, Navoiy joked:

— In poetry, you are not the crescent but the full moon. — These words pleased the audience.

— Well said!, — all told with a

laugh. One after another, poets read ghazal, muamma, tuyug, mathnawis diligently copied on colored paper. Everyone was expecting from a Navoiy decisive, final evaluation. In every work the poet appreciated the originality of thought and vivacity of imagination. At the same time, he immediately caught the most imperceptible error and the tiniest flaws of rhymes. Having noticed a mistake, he gently pointed at it.

The poet Ayaz proudly held in his hand a piece of paper and clearly burned with impatience to read their poems. Navoiy said to him:

— Mr. poet, and what you have brought us as a gift?

Those present, with smiles, looked at Ayaz, he turned the paper and put it on his lap. Poet Ayaz before reading his poems,

flower garden of verses of the immortal Khayyam no unpicked rose has been left.

Visual jokes showered. Like his guests, Navoiy drank a lot and laughed. Facing to jokes against him, he immediately reflected a sharp sword of his choice of words. Khoja Giyosiddin showed his talents: he danced with grace and ease, like a playful boy and sang Persian and Turkish songs. He then began mimicking various important people and did it so masterfully that the audience roared with laughter.

The guests left. Soon after their departure Khoja Afzal, Darveshali and several officials who were close to the poet remained. Navoiy led them to an open on all sides veranda. He asked friends about their health and laughed, telling some details held only at that meeting. Then

he looked closely at Khoja Afzal and noticed in his eyes some concerns and asked seriously:

— You will probably want to talk about something with me, don't you?

— We would like to draw your attention to some very important circumstances, although I am convinced that all secrets are known to you better than us, — Khoja Afzal said, leaning toward Navoiy.

— Warn time - debt friends, — said Navoiy.

Khoja Afzal told about the endeavours of Majiddiddin Muhammad parvanachi to achieve its purpose with other Emir Mugul, khakim of Astrabad, the intrigues of the vizier Nizomumulk, about nefarious deeds of Qadl Shahobiddin and the military commander of the city.

— The sultan is surrounded by unfit ambitious businessmen, — Khoja Afzal concluded his speech.

— It is right to say that the Sultan is surrounded by the pack of rabid dogs! — exclaimed angrily Navoiy.

— At night they committed adultery, doing all sorts of abominations and in the afternoon they stagger through the cities and villages robbing people. Sultan feels leopard in these dogs, but is involved in their antics.

Harsh words led his friends to confusion. Darveshali broke the silence.

— His Majesty the Sultan apparently remains unaware, — he said uncertainly.

— Then we have to take him out of ignorance and show him the way of justice, — Navoiy said with conviction.

— Alisher, — said the young man, the employee of the sofa, — your heart is pure like a sun. But the enemies want to convince the Sultan that the brightest stars are dark, dirtier than pure intentions.

— They are everywhere sowing the seeds of confusion and lawlessness, — chimed in an elderly official dull, with colorless eyes.

— Our people have a saying, — smilingly, Navoiy said: — "The dog barks, the caravan goes on."

Darveshali, who had not expected such softness against the enemies, said excitedly:

— They envy you, hate you. Majiddiddin parvanachi at every turn is trying to denigrate you.

Navoiy looked quizzically at the brother.

— My brother, I do not know what the intentions of this gang are, and who is the Majiddiddin Muhammad? — heartily

he said. — There are people worse than him. We know the traitors who would like to share with each other their homeland. No matter how high the curve lightning flashed; she would go into the ground. Spark - straight and level. Let it burn down, but it also burns out.

— I would like to say that we should not concede the battlefield to the enemies, — said, blushing, Darveshali.

— Quite right idea, — said Navoiy confirming his words by hand movement. — But we will not tolerate it in the area of personal animosity. We need to get rid of the sky's black clouds upon our homeland, anyone who commits violence against the people - is our evil enemy. Praise to Allah! I struggled trying to break the sword of oppression. In this sacred cause we all need to unite and not think about our benefit, but only for the good of the motherland. For your humble servant it is the highest truth.

Navoiy watched every day in the couch and other places new machinations of his enemies.

Every day he saw more clearly how the roots of conspiracies grew against him and his activities. The bouquet of pleasant words and polite bread was breaking concealed poison. Majiddiddin

every day raised his head higher. Nizomumulk secretly sowed the seeds of conspiracy. Increasingly important affairs of state were resolved without the participation of Navoiy. Sometimes officials suspended Navoiy for any offense again to get high positions.

Navoiy openly rebuked harmful people and the state actions of their enemies. Enemies, although they were forced to reckon with him, had not laid down their arms yet.

Once, after a sharp dispute with Majiddiddin about the issue of taxes in favor of the poor, Navoiy came to Husayn Boyqaro. The sultan, as always, very graciously accepted Navoiy. The poet told him about nefarious deeds perpetrated on his behalf and advised him to cut the ulcer before it spread throughout the body. Husayn Boyqaro listened attentively to Alisher, but said that such people should be considered and should not be offended.

Refusing invitations to treatment, Navoiy said goodbye to the sultan. Coming out of the palace, he drove the horse to hiyyaban.

Reaching the majestic tomb of Sadaddin Kashgar, surrounded by tall trees, Navoiy stopped his horse near a

## Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

small gate. At the knock on the house a servant ran and respectfully took the reins. Navoiy entered a short, nondescript house with two windows in the yard. Jovial, an old man of sixty, despite the objections of Navoiy, rose from his seat and collecting scattered throughout the book, welcomed the guest. It was the respectable Abdurrahman Jami.

Many thousands of people revered him as Sheikh and a famous poet whose poems and scientific works enjoyed fame far beyond the borders of his homeland; he was also a scientist and thinker. Not only did poets, princes, nobles and scholars across the country worship him, but even the Sultan and princes also sought his friendship. Despite this, the old man was very simple and modest. He was a dervish of jarred Ichigo, to the tip of a simple turban. People who have heard about the famous poet imagined him as a great old man dressed in a gold-embroidered robe and there were a lot of surprised people who found the dervish in old clothes sitting on coarse mats.

Jami's guest was seated on a soft mattress and he sat down on the former place of books.

— Truly, my heart ached today meeting with you, — he said,

stroking his beard briefly.

— The heart always draws me to this house. But what can you do if you cannot get rid of the burdens of life, — answered Navoiy.

— Not only we do, insignificantly, but the Lord himself will take you to excuse. Faithfully serving the people is the case of the perfect man. Such hardships and difficulties give a person satisfaction.

Navoiy briefly spoke about his sorrows in connection with the unrest and injustice, that is dissolved in the state.

— We see the color of your love for the people, — Jami said softly.

— Giving to the same people and the homeland of its abundant fruit.

All difficulties should be spoken to the sultan.

Two poets, despite the difference in their ages, tied an inseparable friendship. Navoiy, since childhood, had a deep love for Jami's boundless knowledge, poetry and sparkling clean, noble heart, and he respected him as a spiritual mentor. Jami also loved Navoiy.

For centuries, poets considered the Turkic language as dry, overgrown with the thorns of desert. Jami wrote in Persian and paid tribute to the poet who has managed to create the Turkic language and the marvelous flowerbed bunches that collect them with fresh, bright flowers. He admired Navoiy, who was adamant on the thorny path, combining many talents and proud of his friendship.

As usual the lively conversation was about Sufism. Jami not only deeply knew this philosophy - his life was a striking statement of theories of Sufism. Conversation that flowed between the poets was lively and colorful.

— Amir, you have extracted from the depths of the sea in your heart the precious pearl. It enjoys a great reputation among the people. We also examined it and tried to write something in the same vein.

— Look, maybe you will like this", — and he held out the sheet of Navoiy.

The poet scanned the lines. It was a Persian poem written by Jami in the same size, with the same rhyme and radif as the ghazal of Navoiy, and it began with the words:

"Oh, you did not bring beauty to the world, all the more delicate roses!"

Navoiy excitedly read aloud the ghazal and looked at the wise eyes of the old man, which always shone quietly under bushy eyebrows.

(Давоми кейинги сонда)

## "ИЖОДКОР — АВВАЛО, ҲАЁТ КИТОБИНИ ЎҚИГАН БЎЛСИН"

### Таниқли ёзувчи Улуғбек ҲАМДАМ билан суҳбат

Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат", "Исён ва итоат", "Сабо ва Самандар", "Йўл", "Ота" каби романлари ва "Ёлғизлик" китоблари, "Тангрига элтувчи исён", "Атиргул", "Сени кутдим", "Эски дунё ва янги мен" номли шеърый тўпламлари нашр этилган.

— Асарларингизда фалсафийлик бўртби туради. Ҳар бир нарсанинг маъзи адабиётми, илҳомми ёки ҳаётни теран ашлагани?

— Билмадман, айтганларингизнинг баридан кам-камдан бордир. Воқеа-ходисаларни тепадан кузатмасангиз, уларга фалсафий нигоҳ ташламангиз, моҳиятини ашлаган кийин кечадими, деб ўйлайман. Чунки, барибир, адабиётни жон томиларидан биттаси - дунёни фалсафий идрок этишдир, деб биламан.

— Яхши асар ёзилиши учун кўп ўқиш керакми?

— Ижодкор учун бош китоб бу - ҳаёт. Кўпчилик савол беради — "китоб ўқиб ёзувчи бўлиш мумкинми?" деб. "Сиз асарларингизни қайси китобларни ўқиб, қайси асарлардан таъсириланиб ёзгансиз?" дегандек саволлар ҳам бериб қолишди. Китоб ўқиб асар ёзганидан ёзувчи-шоирлар ҳам бор, албатта. Лекин мен бу саволга савол билан жавоб бермоқчиман: "Қайси китоб Аллоҳнинг китоби бўлиши ҳаётдан чуқурроқ, теранроқ ва кенг маънолироқ, серқатламлироқ - кўрсатинг менга?" Дунёда бирорта бадиий китоб йўқки, ҳаёт деган китобдан муҳимроқ, мукамалроқ бўлса. Уша маънода асосий илҳом манбаи мен учун ҳаёт, ҳаёт ва яна бир марта ҳаётдир! Лекин, албатта, яхши китобларни топиб ўқиш керак. Ҳатто шарт! Агар сиз адабиётчи бўлсангиз, ўзингизгача бўлган энг сара асарларни ўқиб чиқшингиз жуда ҳам асқотадди. Зеро, ҳаёт ҳақида, инсон ҳақида мушоҳада юритиб, қалам тебратётган бир сиз эмассиз. "Ўзингни эр билсангиз, бошқани шер бил" дейди элимиз.

Сизга ўхшаб худди шундай ҳаёт маънонига тушган ижодкорлар ҳам кўп. Улар ўзларини қандай тутадди, қандай услубда ёзди, нимани ёзди, нималарга эътибор беради, деган саволларни яхшилаб ўрганиб, ўзлаштириш керак. Бунинг олам-жаҳон фойдаси бор. — Ижодкор яратган асарлари ўзини учун доимо азиз саналган. Шу маъ-

нода сиз ижод намуналарини қўнғил фарзандлари деулилашига қандай қарайсиз?

— Энди бу бей сифатлов, образли қилиб айтиш. Албатта, унинг тагида жон бор. Абдулла аканинг бир шеърда шунақа мисралар бор: "Менинг кўлим етмаган юлдуз, Тушларимда сени кўргайман". Агар юлдузга кўл етганда эди, тушларига кирармиди шоирнинг?.. Ижод моҳиятини очиб бергич гўзал мисралар булар. Демак, ижод, кўпинча, бизнинг идеаларимиздан, орзу-истакларимиздан туғилади. "Инсонни орзусига етказиб жазолаш керак", деган гап ҳам бор. Ҳар битта юлдузга кўлимизни узатаверсак, ҳар узатганимизда эса, ўша юлдузни узиб тушаверсак, инсоннинг кўнгли бўм-бўш бўлиб қолади. Шунинг учун баъзан ўйлаб қолсан, орзумга етганим яхши бўладими ёки етмаганим?.. Кўпинча адабиёт инсоннинг орзу-истакларидан пайдо бўлади. Унинг арзанда фарзанд-дек ардоқланиши шундан.

— Ўқувчиларингизга адабиётни етказиб беришда асосий қуролингиз нима? Шу маънода тилимизга ўзингизнинг баҳонгизни берсангиз.

— Тил, албатта. Ёзувчининг асосий қуроли тил, унинг ифода хилма-хиллиги, товланишлари...

Дунё ранг-барангликтан иборат. Бог-у бўстон ҳам ранг-баранг чечаклар билан чунон гўзалдир. Бир хил гуллардан иборат бог у даражада гўзал эмас, буни ҳамма билади. Шугина оддий мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, дунёдаги барча тилларни сақлаб қолиш ана ўша табиий гўзаллиқни сақлаб қолишдир, зеро тиллар инсониятнинг муштарақ маънавий бойлиги ҳисобланади. Жумладан, биз ҳам ўз она тилимизни барча мавжуд имконларни ишга солган ҳолда камол топтиришимиз шарт. Бу биринчи навбатда Яратганнинг олдидаги муқаддас ва-зифамиз, бурчимиздир. Чунки ҳар бир инсоннинг бармоғи ва тилининг учир-



даги из такрорланмасдир. Мўҳр бизнинг танамизга босилган. Мўҳрки, сенда алоҳидалик, ўзига хослик бор, бил ва сақла деган. Демак, ҳар битта миллатнинг урф-одатидан тортиб тилигача, руҳиятигача бу — алоҳида ҳодиса. Битта миллат йўқолиб кетар экан, у билан бирга жуда кўплаб маънавий мерос ҳам йўқолиши муқарраблигини тушуниб етишимиз керак. Миллатнинг йўқолиши эса тилининг йўқолишидан келади. Мақола бўладими, бошқача характердаги матн бўладими, олдин ўзбек тилидаги вариантни ёзиб, сўнг хоҳлаганча бошқа тиллардаги вариантларини яратайлик. Тилни кўриш, камол топтириш учун керак бу иш. Дунё шиддат билан илгариллаб бормоқда, биз нима қилсак, ана шу чопиб кетаётган дунё билан бирга, ҳаммадан бора-бора - кенгашайлик. Нима қилсак тилимиз яна беш юз, минг йилдан кейин ҳам ер юзюнда ашаб қолади - ўйлайлик, чора толайлик! Токи, келажак авлодларга улуғ Навоий тилини эсон-омон етказайлик.

— Ёзувчи, олим сифатида ўзбек адабиёти наsrининг келажagini қандай тасаввур қиласиз?

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ сўхбатлади.

Кўз... Ҳазонли боғлар. Бу саргайган барглр кимнингдир хаста юрагининг нусхаси гўё. Кузнинг салқин кунларидан бирида эрта билан туриб ҳовлига сув сепаётган Хадича нималарнидир ўйлар, фикрлари чалқашиб кетгани учунми, уйдаги охириги тухумни қовураётгани эсига тушиб, бирдан ҳовлига ошхонага кирди.

Тезда газ плитани ўчириб, уйга кирди-да, ўғли Баҳодирнинг уйғота бошлади: "Турақол, болам чойингни ичиб ол". Баҳодир бошқа болалар сингари эркаланиб ўтирмай, дарров ўрнидан турди. Чойини ичди. Бечора Хадича эндигина курук нонини сувга ботирган ҳам эдики, "сув, сув" деган қаттиқ овозни эшитди ва дарров туриб уйга кирди.

Бу дадасининг ҳар доимги иши бўлишига қарамай, Баҳодирнинг нигоҳлари янада маънос тортиди. У дадаси ётган хона деразасига мунгли текилиб турар экан, яна дадасининг бақирган овози эшитилди. Баҳодир оиласидаги бу аҳволдан уялиб кетди. Дарров ўрнидан туриб, кийимларини кийди ва мактабга отланди.

Ҳаммамнинг олдида боши эгик Баҳодир мактабда ҳам ҳеч кимга қўшиллолмайди. Нима қилсин, эндигина гап бошлайман деб оғиз жұфтласа, болалар уни ма-захлашади. Отаси ичкиликбоз эканлигини юзига солишади.

## БОЙ БЕРИЛГАН БОЛАЛИК

Бир кун Баҳодир мактабдан қайтаётса йўлда, бир девор тагида отаси кийимлари кумга беланган, абгор бир аҳволда турарди, ёнида эса арок шишаси... Баҳодир югуриб бориб отасини маҳкам қучиб, ўридан турғазига ҳаракат қилди: "Ота туринг, уйга борамиз, тура қолинг ахир!" — деди йиғламоқдан бери бўлиб. Шу пайт нарироқдан дўстлари ўтар экан Баҳодир ва дадасининг бу аҳволини кўриб "Уни қараңглр, отаси ким у, боласи ким бўларди" деб устидан қулганлари Баҳодирга жуда ёмон таъсир қилди. У ҳам етмагандек, отаси ўрнидан туришни истамас, Баҳодир қанча кистамасин турмасди, аксинча, уни турғазига тиришаётган Баҳодирни оғзига келган сўз билан сўкарди. Баҳодир ортиқ чиқолмади. Уялганидан йиғлаб уйга югурди. Онасининг ёнига келиб: "Ойи чарчадим ҳаммасидан, ҳамма устимдан қулади. Бошқалар олдида бошим эгик. Бошқа болалардек қувнаб юролайман, ҳамма менга ароқхўрнинг боласи деб паст назар билан қарайди. Қачон биз ҳам бахтли йўлаймиш, ойи?" — деб йиғларди.

Бечора болага ҳам, онага ҳам мушқул. Бутун бошли оила онанинг битта-яримта тиккан қўйлақлари ҳисобига кун кўришар эди, чунки отаси уйда нима-ни бўлса, уни дарров сотишни ўйларди. Нимагадир узок текилиб қолса, бўлингки, у буни кимга сотишни, тахминан қанчага сотилишини ва бунга қанча муддат қайф-у сафо қилишни ўйлаётган бўлар эди.

Аммо бу воқеалар Баҳодирнинг кундалик ҳаётидан ўрин олган ва оддий ҳолга айлиниб улгурган воқеалардан эди...

Мана орадан шунча вақт ўтди. Ҳозир Баҳодир агроном. Аммо эссиз бу кунларни унинг отаси ҳам, онаси ҳам қуролмади. Энг ачинарлиси, Баҳодирнинг онаси бутун ҳаёти давомида рўшнлик кўрмади...

Беғубор болалик бой берилишига, гулдай умр ҳазон бўлишига сабабчи бўлган инсон эса, балки ҳозир фарзандининг доврўғини панжара ортида эшитаётган...

Умидда СОБИРОВА, Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 23-ИДУМнинг 7-синф ўқувчиси.

# ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДАН БИР ШИНГИЛ

Ушбу лойиҳамизнинг шартлари оддий бўлиб, унда сиз мактаб, лицей, коллеж, институт, университет давридаги қизик, унутилмас кунларнингизни, талабалар ҳаёти билан боғлиқ ибратли воқеаларни кичик ҳикоя тарзида ёзишингиз керак бўлади ва тайёр бўлган ижод намуналарингизни @Iroda\_Sirojiddinova телеграм манзилга юборишингиз лозим. Энг яхши деб топилган ибратли ҳикоялар, қизиқарли воқеалар газетамиз саҳифалари ва расмий каналимизда бериб борилади. Унутманг! Сизнинг ижод намуналарингизнинг кимнингдир кўнглини кўтариши ёки мотивация бериши мумкин. Куйида талабалар томонидан юборилган ижод намуналарининг энг саралари билан танишинг.

## ОЛТИН ДАВРИМИЗНИ БЕКОРГА САРФЛАМАЙЛИК!

Ассалому алайкум мен сизларга бир қизиқарли воқеани сўзлаб бермоқчиман. Бу қизиқарли воқеа ўзимнинг ҳаётимда содир бўлган. Мен 2-курсда ўқиётганимда бизларга инглиз тили фанидан мавзу ўтилди. "Hesitation" мавзуси эди. Устозимиз бу мавзунини жуда қизиқарли қилиб тушунириб бердилар ва уйга вазифа қилиб бизарга 2 та давлатни олиб шу давлатда бу мавзу қандай айтилишини кўргазмали кўринишда таққослаш керак эди. Шу мавзу бўйича кейинги дарсда тайёр бўлиб келишимиз, мен сизлардан сўрайман дедилар устозимиз. Кейинги дарс ҳам келди, мен унгача берилган вазифани квартирада 5-6 соат мобайнида шуғулландим ва вазифага тайёр эдим. Дарсимиз бошланди.

— Қадрили талабалар уйга вазифа нима эди? – деб сўрадилар устоз. — Ҳамма уйга вазифага тайёрми? Шунда ҳаммамиз тайёр деб айтдик. "Бўлмас сўрашни бошлайман", деди-да, журнал бошидан бирин-кетин сўрай бошлади. Баъзи курсдошларим тайёр бўлмас ҳам "тайёрман", деб ёлгон гапирди. Устознинг жуда жадли чикди. Менинг навбатим етиб келди.

— Асилбек, сиз тайёрмисиз? – сўради устоз.  
— Ҳа, устоз, мен вазифага тайёрман. Бошлайми, устоз?  
— Ҳа, бошланг!

Шунда мен тайёргарлик кўрган мавзунини жонли кўринишда кўрсатиб бердим. Уйга вазифага берилган мавзу бўйича мен Жанубий Корея ва Япония давлатларини мисол тариқасида келтирдим. Шунда устоз жуда хурсанд бўлдилар, мен тайёрлаб келган вазифани кўриб менга 5 баҳо қўйдилар. Мен жуда хурсанд бўлдим, чунки устозимиз ҳар доим ҳам аъло баҳо қўймади эдилар. Устозимиз ҳар гал дарсга келганида "Асилбек, корейсча ва японча ҳам саломлашинг", - деб ҳазиллашиб кўя эдилар. Уша кун мендан бошқа бирор курсдошим вазифани аъло даражада тайёрлаб келмаган эди.

Устозим - "Асилбек, сизга раҳмат! Вазифани аъло даражада тайёрлаб келибсиз, мен кутмаган эдим" дедилар. Мен бир нарсасига тушундимки, дарсда айрим талабаларга устозлар томонидан паст баҳо қўйилса, бирданига хафа ёки норози бўлишади. Аммо бир нарсани талабалар эсларидан чиқармасликлари керак, қайси талабага қандай баҳо қўйишни устозларимиз жуда яхши билишади.

Хулоса ўрнида талаба-дўстларимга бир маслаҳат бермоқчиман: талабалар - олтин давримизни бекорга сарфлаб қўймайлик. Ўқиб, ўрганайлик! Уз устимизда тинимсиз меҳнат қилайлик. Албатта, ҳаракатимизга яраша баҳойимизни оламиз. Фақат берилган вазифаларни ўз вақтида, сидқидилдан, пухта тайёрласак кифоя.

Асилбек АБДУРАЗЗОҚОВ,  
СамДЧТИ Инглиз тили – II факультети талабаси,  
лойиҳамизнинг фаол иштирокчиларидан.

# БИР САВОБ

"Ота ҳаёт берса, ўқитувчи яшани ўргатади. Тугилишдан яшаш қийинроқ"

( Ўткир Ҳошимов )

Бир гапни эшитганман: "Устозидан кўрққан одамгина устозини хурмат қилади". Кечирасиз-у, аммо мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки кўрқув ва хурмат орасида анчагина фарқ бор. Сўзимни бир ҳикоя орқали исбот қилишга ҳаракат қиламан. "Бир талаба олий ўқув юртида ўқиб юрган даврида кўрққан устозини ўқишни тугатиб, бир кўчанинг бир тарафида кўриб қолса, нари бора, фарз деб "салом" берди. Бунга кўрқувдан деб биланман. Агарда худди ўша талаба хурмат қилган ўқитувчинини, ўқиши аяқлангандан кейин, кўчанинг нарига тарафида кўриб қолса, тўхтаб, йўлдан ўтиб, устозининг ёнига келиб, саломлашиб, хол-аҳвол, оиласи, ишлари ҳақида сўраб, ўзининг қилаётган ишлари ҳақида айтиб, жоиз бўлса, маслаҳат ҳам сўраб, хайрлашаётганда ҳам "Хайр, соғ бўлинг"-дан аввал "рахмат ўқитганингиз учун", - деган бир оғиз гапни қўшиб қўяди. Бунга хурмат деб биланман. Хурмат қилган инсон ҳам кўрқадга, фақат шу инсонни кўнглига озор берилдан.

Менинг ҳам хурмат қиладиган устозларим кўп. Лекин бир устозим ҚарДУ академиклици ўқитувчиси, Севара Жумановага хурматим бошқача. Халигача шу устозимга раҳмат дейман. Нафақат устозим, балки оламдекан бўлиб қолган. Бу кишидан қанча маслаҳат сўрасам ҳам "кейинроқ" деган сўзларини эшитмаганман. Хорижий газеталарнинг бирида шундай гап ёзилган эди:

"Ўқитувчи аудиторияга кирди-ми, уни талабалардан ҳеч қандай — жинси, кийими, моддий томони билан фарқ қилмайди. Фақатгина ўқитувчи ўқувчининг маънавий жиҳатдан фарқ қилади".

Лицейда гап тарқалди: Чет элдан бир ўқитувчи Қарши шаҳрида инглиз тилидан "Мастер-класс" дарс ўтар экан, ҳар бир гуруҳдан инглиз тилида равон гапироладиган ва дунёқараши кенг бир талаба саралаб олинган экан. Бо-риш учун "саралаш" бошланди. Мен ҳам қатнашдим. Аммо сал торнинганим учунми, фикримни аниқ қилиб айтиб беролмадим. Бизнинг гуруҳдан яқин дўстим борадиган бўлди. Кейин хонада ўтирган эдим. Эшик очилди. Севара устоз мени кўриб, хайран бўлиб, "Бехруз нима қиласиз? Вақт бўлди, бормайсизми Мастер-классга?" дедилар. Ишонмасизми, қотиб қолдим. Фикримни йиғма олмай қолдим. Худди кулоғимга чалингандек бўлди. Шартли рефлекс шекилли, шоби: "Менга айтдикими?" — дедим. "Ҳа", дегандек бош силкидилар устоз. Тўғрисини айтсам, боришни жуда-жуда хоҳлаган эдим. Ахир чет эллик ўқитувчиларнинг фикрлашини, дунёқарашини билгим келган эди. Ниҳоят, бордим, кўрдим, жуда хурсанд бўлиб, яхши тасассуотлар билан қайтдим.

Бир кун устоз университет биринчилигига бориш учун бўлган баҳсда ғолиб бўлганлар қаторида эканлигимни айтдилар. Бу хабарни эшитиш учун, яқшабна кун бўлишига қара-

масдан, эрта-лабдан кечга-ча мен ва курсдошларимнинг натижасини кутган битта ўқитувчи ҳам шу киши бўлган эди. Бошқа устозга топириб ёки "ўзлари ёш бола эмас-ку" деб ташлаб кетсалар бўлар эди, лекин...

Бу гапларни ёзишимдан мақсад-устозимнинг қанчалик ўз касбига содиқ, масъулиятли, ўқувчиларининг қомил инсон бўлиб етишилари учун жон куйдиришларини ва менинг ҳаётимда ҳам энг зўр ўқитувчи сифатига ўчмас из қолдирганликларини айтиш эди. Тўғри йўл кўрсатадиган, ўқишга киришимда анча меҳнат қилиб ўқитдилар, кўп маслаҳатлар бердилар, ёрдам бердилар. Шу устозим ҳам СамДЧТИга киришимга, қай-сидир маънода, сабабчи бўлган. Шунинг учун бу кишига халигача раҳмат айтаман.

Ҳадислардан бирида айтилишича, дастурхон атрофида ёки намозда дуо қилаётганда "Эй Аллоҳ, ота-онанинг умрини узок қил, шунингдек, устозининг умрини ҳам узок қил" — дейиш жоиз экан. Айтмоқчи бўлганым шуки, инсон ота-онани сени зиёрат қилгандан кейин устозини ҳам кўп эмас, бир йўлбаҳс қўйса, ҳеч бўлмаганди, виждони қийналмайди. Ишонмасангиз синиб кўринг. Бир кўнгириқ орқали бир яхши инсонни хурсанд қилган бўласиз.

Ахир, бир яхшини кўнглини кўтариш ҳам БИР САВОБ-ку!!!

Бехруз ЭРКИНОВ,  
СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети 1-босқич талабаси.



## Хориждан гапирамиз

### Mercedes-Benzдан зирхланган автомобил

Mercedes-Benz компанияси янги авлоддаги S-Class седанининг зирхланган версиясини ишлаб чиқди. Автомобил максимал даражада химоя билан таъминланган бўлиб, U 6 литрли 612 от кучига эга двигателда ҳаракатланади. Унинг максимал тезлиги 190 км/соат билан чекланган.

Автомобил конструкцияси нафақат ҳайдовчи ва йўловчиларни Калашников автоматидан узилган ўқлардан химоялайди, балки зирхни тешиб йўтувчи ўқларга, жумладан Драгунов снайперлик милтиғидан узилган ўқларга ҳам бардош бера олади.



Зирхланган седан 10 см қалинликдаги ойналар ва ёрилгандан кейин яна 30 кмгача йўл босиб ўта оладиган gun-flat технологиясига эга Michelin PAX шиналари билан жиҳозланган. Машина, шунингдек, фавқулодда вазиетда салонга кислород бериб турувчи кислород баки билан таъминланган. Машина Европа бозорига 547,4 миңг евродан тақт этилмоқда.

### Instagram ўсмirlарнинг аккаунтининг ёпиб қўяди

Энди Instagram ижтимоий тармоғи ёши 16 га тўлмаган (айрим мамлакатларда 18 ёшга) барча янги фойдаланувчиларнинг аккаунтларини автоматик равишда ёпиб қўяди. Ёпиқ аккаунтларга тегишли маълумотини фақатгина ўсмirlар рўхсат берган фойдаланувчилар кўри олади.



Ижтимоий тармоқнинг Explore, Reel ва бошқа бўлимларида ёпиқ аккаунтларнинг фото ва видеолар кўринмайди. Бу Stories'ga ҳам тааллуқли.

"Instagram'ga рўйхатдан ўтишда ёшлардан умумий фойдаланиш ёки шахсий аккаунтдан бирини танлашни сўраган эдик, аммо яқиндаги тадқиқотларимиз шунга кўрсатдики, улар шахсий тажрибаларини кўпроқ баҳолаб экан. Тест вақтида рўйхатдан ўтаётган ўн нафар ёш фойдаланувчининг саккизтаси автоматик равишда иккинчи вариантни танлаган", - дейилади компания хабариди.

### БМТ: Ерга рекорд даражада кўп астероидлар ҳавф солмоқда

Ерга яқинлашаётган йирик астероид ва кометаларнинг атиги 40 фоииз олимлар томонидан аниқлаштирилган. "2020 йилда 40 дан ортиқ мамлакатдаги астрономик радиохоналар 39,5 миллионга яқин астероид ва кометаларни кузатиш бўйича қайтарилган тўпламни қўйдилар.

Ушунда Ерга рекорд миқдорда - 2959 га объект яқинлашаётгани аниқланган. 2021 йил 17 апрель ҳолатига кўра олимларга ҳаммаси бўлиб 25 647 га яқин шундай объектлар маълум бўлган. Шу билан бирга, рўйхатга олинган 2180 та астероид Ер орбитасидан 8 миллион километрдан ошмайдиган узоқликда учиб ўтади.

Март ойида NASA яқин 100 йил ичида Ернинг астероидлар билан тўқнашиш ҳавфи қай даражадалигини баҳолаганди. Унга кўра, яқин юз йил ичида Ернинг астероидлар билан тўқнашиш ҳавфи мавжуд эмас. Агентлик мутахассислари 2004 йилда кашф этилган Ер учун энг хавфли Апофис астероиди яқин юз йилда ҳеч қандай хатар олиб келмаслигини аниқлади.

### "Ўлмайдиган" смартфон

HMD Global компанияси Американинг MIL-STB10H ҳарбий стандарти бўйича химояланган Nokia XR20 смартфонини тақдим этди. Янги модель 1,8 метр баландликдан тушиб кетишга бардошли, чанг ва намликдан IP68 стандарти бўйича химояланган, экрани Gorilla Glass Victus ойнаси билан қопланган.



Смартфон пикселлари сони 1080x2400 бўлган 6,67 дюймов IPS-экран билан жиҳозланган, процессори - Snapdragon 480 5G, хотира-си эса 8/128 гигабайт бўлиб, уни microSD ёрдамида кенгайтириш мумкин. Шунингдек, қурилма Zeiss оптикасига эга 48 ва 13 мегапикселли иккита камерага ҳамда сизими 4630 мА/соатни ташкил этувчи батареяга эга. Смартфон 18 ваттли симли ва 15 ваттли симсиз қувватланиш функциясига эга.

Аппаратда операцион тизим сифатида Android 11'дан фойдаланилган, аммо смартфон учун учта йирик янгиланиш ва хавфсизлиги борасида тўрт йиллик янгиланиш ваъда қилинган.

### Янчиб бўлмайдиган суварак-робот

Берклидаги Калифорния университети олимлари сувараклардан илҳомланиб, уларнинг механик нухасини яратди. Одатда барча кичик роботлар бир муаммага дуч келади: улар жуда нозик бўлгани сабаб, синиши осон. Аммо суваракларни ўлдирш жуда қийинлиги маълум, шунингдек, улар жуда тез ҳаракатланади. Олимлар эса айнан шундан илҳомланган.

Шундай қилиб, ҳозирда суварак каби тезкор ҳаракатланишга эга ва янчиш қийин бўлган митти бот пайдо бўлди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, робот 60 килограммгача юкни кўтаришга қодир: яъни ўртача оғирликдаги инсон уни босса, роботга ҳеч нарса қилмайди.

Бу каби ихтироннинг сири оддий: "суварак" асосини ПВДФ-лист, ўзгарувчан ток уланган юпка ва эгиловчан полимер ташкил этади. Корпусининг эгиловчанлиги сабаб робот барқарор ва кичик. Митти робот сониясига 20 сантиметр тезликда ҳаракатланишга қодир. Шунингдек, ўзидан олти баробар оғир бўлган ёнқоқни бемалол кўтира олади.

Бундай роботлар фалокат ва табиий офат рўй берган ҳудудларда катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Митти-бот осонлик билан вертикал юза бўйлаб ҳаракатланиши, одам кира олмайдиган тирқишлар, трубалар ва бошқа жойлардан ўта олиши мумкин. Келажақда роботга кўз датчигини ҳам ўрнатиш режалаштирилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Босишга топириш вақти: соат 09.00 да, 2021 й. 31 июль  
Босишга топирилди: соат 08.00 да

Навбатчи муҳаррир: А.АБДУРАЙМОВ.

Баҳоси келишидан нарҳда

Саҳифаловчи: В. АБАЗОВ.

Т - тижорат материал

Нашр индекси 5588

# ЎҒИЛ ФАРЗАНД

Тонг. Нигина деразадан тикилган қўйи атрофни кузатар экан, йиғидан қизарган маънос қўзлар, отасининг бағрида қикир-қикир кулаётган жажжи қизалоққа тушди. Ҳозир худаям шу қизнинг ўрнида бўлгани келарди.

Нигина оилада тўнғич фарзанд. Унинг иккита синглиси бор. Бу уч қалдиргочлар отасининг ёнида бўла туриб, ота меҳридан бебахра. Уларнинг отаси Маҳмуд ака аёли Ирода опани ўғил фарзанд дунёга келтиролмагани учун тинимсиз ҳурлар, қийноқларга соларди. Уйда деярли ҳар кун жижжал бўларди. Кеча кечкурун ҳам ҳар доимги жанжалнинг бири содир бўлди. Яна калтаклар, бақир-чақирлар...

Бундай вақтларда Нигина доим сингилларини бағрига босиб тинимсиз йиллар, қиз бола бўлиб туғилганидан жуда ўксинарди.

Ниҳоят, Маҳмуд ака орзиқиб кутган кун келди. У ўғили бўлди. "Ўғлим кун келиб менинг қоримга ярайди, суянчим бўлади" — дея эл-у юртга тўй берди. Узоқ кутиб, муродига етгани боис исмини Мурод қўйди. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Отаси уни ёлғиз ўғил деб жуда эркалатиб юборганди.

Сарвиноз КОМИЛОВА  
Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 23-ИДУМ ўқувчиси.

## УРГУТ

Сўлим боғларинг да чопқиллаб юрган, Болалик йилларим ёдимда қолган. Қайга борар бўлсам сени қумсаган, Ургут — болагим ўтган маконим!

Серчашма сувларинг экиннинг қони, Минг бир дардга даво айлар шифони. Сенга атагайман бағишлаб жонни, Ургут — болагим ўтган маконим!

Байрамда айтилар ялла ва қўшиқ, Ёш-у қари ўйнар юракдан жўшиб, Ҳамма бир-бирига меҳр улашиб, Ургут — болагим ўтган маконим!

Сени ҳар дам қумсар соғинчли фирок, Сендек саховатли топмадим бирок, Олис мазейингдан бўлсам-да йирок, Ургут — болагим ўтган маконим!

Шодия ХАЛИЛОВА,  
Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси.

Муҳаррир: Ваҳобжон АБАЗОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Илҳомжон ТҶУХТАСИНОВ(раис), Фазилидин РЎЗИКУЛОВ,  
Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Шаҳобиддин АШУРОВ,  
Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй. Телефон: +99893 359-73-78

# INTELLEKT

Муассис:  
Самарқанд давлат чет тиллар институти

Газета Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «INTELLEKT» газетасини таҳририяти компьютерда саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй.  
Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: №

Таҳририятга келган кўлөзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуктаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.